



**Бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда
самарали фойдаланишда
Ғазначиликнинг роли ва уни
тақомиллаштириш бўйича таклифлар**



Ғазначиликнинг вужудга келиши

- ❖ Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2002 йилдаги 144-сонли “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш лойиҳасини жорий қилиш ва тайёрлаш чоралари тўғрисидаги” қарори;
- ❖ Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуни;
- ❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.02.2007 й. ПҚ-594 сонли “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори

Лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамкорлари – Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Франциянинг иқтисодиёт, молия ва саноат вазирликлари, ТАСИС, Ислом тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки.

Ғазначилик – жаҳон тажрибасида кенг умумий қабул қилинган орган ҳисобланиб, давлат бюджети ижросини таъминлайди.



Ғазначиликка ўтиш босқичлари

- ❖ 2005 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида давлат бюджетининг ғазначилик ижросининг айрим элементларини тадбиқ қилинди;
- ❖ 2006 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва олтита вилоятда босқичма-босқич тадбиқ этилди;
- ❖ Қолган ҳудудлар 2007 йил мабойнида қамраб олинади.



Давлат бюджетининг ғазначилиги мақсад ва вазифалари

- ❖ Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш;
- ❖ Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;
- ❖ Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш муддатини қисқартириш ва сифатини янада яхшилаш.




Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш

- ❖ Ягона ғазначилик ҳисоб рақами барча тижорат банкларида очилган бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисоб рақамларининг ўрнига очиладиган ҳисоб рақам;
- ❖ Ягона ғазначилик ҳисоб рақами Марказий банкда очилади ва Давлат бюджетининг даромад ва харажатлари бўйича барча операцияларни умумлаштиради.

Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси

Даромадлар

1. Амалда бўлган тизим



2. Ғазначилик тизими




Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси

Харажатлар

1. Амалда бўлган тизим



2. Ғазначилик тизими



* Бюджет ташкилотлари учун Ғазначиликда очилган алоҳида ҳисоб рақамлар орқали товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларга маблағлар тўғридан-тўғри ўтказиб берилади



Ғазначилик тадбиқ этилишининг ижобий натижалари

- Қуйи бюджет ташкилотларига маблағларни босқичма - босқич молиялаштириш механизми тугатилди
- Бюджет маблағларининг банклардаги кўплаб ҳисоб рақамларда тарқалиб ётишига барҳам берилди
- **Маблағлар ғазначилик ҳисоб рақамида жамланди ва бунинг натижасида тўловларни амалга ошириш, шу жумладан иш ҳақини тўлаш муддатлари қисқарди**
- Бюджет маблағларининг айланиш жараёнининг самарадорлиги ошди



Ғазначилик тадбиқ этилишининг ижобий натижалари

Амалда бўлган тизим

Бюджет ташкилотларининг 110 мингдан зиёд
банк ҳисоб рақамлари

Бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида
ўртача кунлик 60 млрд сўм қолдиқ бўлган

Ғазначилик тизими

Бюджет ташкилотларининг банк ҳисоб рақамлари ёпилди

Бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолдиқ йўқ



Ғазначилик тадбиқ этилишининг ижобий натижалари

Амалда бўлган тизим


Тўловлар 3 кундан 5 кунгача вақт олади

Иш ҳақини тўлаш 4 кундан 1 ҳафтагача вақт олади

Ғазначилик тизими

Тўловлар 1 кунда амалга оширилади

Иш ҳақини тўлаш 1 кунда амалга оширилади,
Бунда ягона ижтимоий тўлов ва ходимларнинг
даромад солиғи бир вақтда тўланади



Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат тизими

Уч босқичли назоратни тўлиқ жорий қилиш:

- ❖ Дастлабки назорат;
- ❖ Жорий назорат;
- ❖ Якуний назорат - тафтиш.



Дастур таъминоти

- ❖ Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ);
- ❖ Глобал интеграция ахборот тизимини замонавийлаштириш;
- ❖ Бюджет ташкилотлари автоматлаштирилган тизими (АСБО).